

ОЛИЙ БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА МАЖБУРИЙ ВА ТАНЛОВ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ

Жабборова Онахон Маннаповна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: мақолада олий бошлангич таълимда мажбурий ва танлов фанларини ўқитишнинг кластер усули таҳлил этилган.

Калит сўзлар: олий, бошлангич, таълим, мажбурий, танлов, фан, ўқитиш, кластер, усул, кўникма.

КЛАСТЕРНЫЙ МЕТОД ОБУЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬНЫМ И ИЗБИРАТЕЛЬНЫМ ПРЕДМЕТАМ В ВЫСШЕМ НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Жабборова Онахон Маннаповна

Чирчикский государственный педагогический институт

Ташкентской области

Аннотация: в статье проанализировано кластерный метод обучение обязательных и отборных предметов в высшей начальное образование.

Ключевые слова: высшей, начальное, образование, обязательный, отборный, наука, обучение, кластер, метод, умение.

Ўзбекистон олий педагогик таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорий этиш амалга оширилмоқда[1]. Бу тизимда ўқитиш фанлари мажбурий ва танлов гуруҳларига бўлинади. Шу жихатдан олий бошлангич таълим жараёнида мазкур фанларни ўқитишнинг кластер усули илмий-амалий жихатдан муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таҳлилига тортамыз:

1. *Олий бошлангич таълим жараёнида мажбурий фанлар гуруҳи.* Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган мажбурий фанлар ўзига хос

туркумлардан иборат. Мазкур туркумларнинг асосийларини қуйидаги фанлар ташкил этади:

- “Умумий педагогика”;
- “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция”;
- “Болалар педагогикаси”;
- “Педагогик маҳорат”.

Эътибор берилса, олий бошланғич таълим жараёнида ўқитиладиган мажбурий фанлар мутахассислик фанлари таркибини ташкил қилади. Шу сабабли уларни ўқитишда кластер методига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада қуйидагиларга асосланиш кутилган самарани беради:

- мажбурий фанларни ўқитиш жараёнига илмий ва ўқув муассасаларининг етук мутахассисларини ҳамкорлик асосида жалб этиш;

- мажбурий фанлар бўйича ўқув фадабиётларини электрон-модулли ўқитиш ва дидактик технология асосида тайёрлаш ҳамда нашр этиш;

- мажбурий фанларни ўқитишнинг амалий машғулотлар жараёнига умумтаълим мактабларининг фаол бошланғич синф ўқитувчиларини ҳамкорлик асосида жалб этиш;

- мажбурий фанларни ўқитишга доир профессор-ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириб бориш.

Бундай ёндашув мажбурий фанлар бўйича қуйидагиларни ўзлаштиришда кутилган самарани беради:

- педагогика тарихи, назарияси ва педагогик маҳоратнинг илмий-назарий асосларини ўзлаштириш;

- ўқитишнинг замонавий методлари ва технологиялари билан қуролланиш;

- педагог касбига қўйиладиган талаблар ва мезонлар асосида фаолият юритиш;

- ҳар қандай мураккаб вазият ва шароитларда таълим-тарбия жараёнини талаб даражасида амалга оширишнинг механизмларини эгаллаш.

Олий бошланғич таълим жараёнида мажбурий фанларни кластер усулида ўқитишнинг асослари, воситалари, методлари ва технологияларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Бундай ишланмаларни яратишда ўқитишнинг электрон-модулли тизими талабларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. *Олий бошланғич таълим жараёнида танлов фанлар гуруҳи.*

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда танлов фанларини ўқитиш ҳам муҳим ўрин тутди. Танлов фанлари- бу мутахассислик фанлари кўламини кенгайтирувчи, мавзулар ва модуллар бўйича маълумотлар доирасини кучайтирувчи ҳамда амалий-касбий фаолиятда фойдаланишга йўналтирилган компетенцияларни шакллантирувчи фанлар туркумидир [2]. Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнининг олий бошланғич таълим йўналишида қуйидаги асосий танлов фанлари амал қилмоқда:

- “Педагогик технологиялар”; “Замонавий ахборот технологиялари”; “Педагогик менежмент”; “Бошланғич таълим менежменти”.

Мазкур танлов фанлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини қуйидаги илмий, назарий ва амалий компетенциялар билан қуроллантиради:

- таълим ва тарбиянинг самарали педагогик технологияларини ўзлаштириш; касбий фаолиятда замонавий ахборот технологияларига асосланиш кўникмасига эга бўлиш; бошланғич таълим жараёнини талаб даражасида ташкил этиш ва бошқариш; касбий фаолият жараёнида индивидуал ўқитиш тажрибасига эга бўлиш.

Эътибор берилса, танлов фанларининг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлашда муҳим ўрни мавжуд. Шу сабабли

мазкур фанлар гуруҳини кластер усули асосида ўқитиш ва унда қуйидагиларга амал қилиш кутилган самарани беради:

- танлов фанлари машғулотларининг тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилишига эришиш; танлов фанлари машғулотларига илғор тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари иштирокини таъминлаш; танлов фанларини ўқитишда халқаро таълим дастурлари талабларига амал қилиш; танлов фанларини ўқитишнинг миллий тажрибаларини кенг қўламли миқёсда тарғибот қилиб бориш.

Бундай ёндашув бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий компетенция билан таъминлаш имконини беради. Шу сабабли кейинги пайтларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ўқитишнинг кластер усули бўйича аниқ тажрибалар тўпланганлиги эслатиб ўтиш жоиз.

Ўқитишнинг электрон-модулли тизимида мажбурий ва танлов фанларини талаб даражасида ўқитиш учун энг тажрибали профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли бундай танловни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани бериши тажрибадан ўтган:

- профессор-ўқитувчиларнинг мажбурий ва танлов фанлари бўйича тайёрлаган ўқув материаллари сифати, мазмуни ҳамда ўқитиш технологиялари самарадорлигига эътибор бериш;

- профессор-ўқитувчиларнинг илмий, касбий ва амалий фаоллигини ўрганиш; талабаларнинг профессор-ўқитувчиларга нисбатан муносабатларини аниқлаш; профессор-ўқитувчиларнинг ўз ўқув юкламаларини баджариш сифатини баҳолаш.

Айнан мана шундай ёндашув мажбурий ва танлов фанларини ўқитишда керакли мутахассисларни танлаш ҳамда улар билан ҳамкорликда ишлаш имконини беради.

Олий педагогик таълим жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда мажбурий ва танлов фанларини ўқитиш бўйича бир қатор хорижий мамлакатларда ўзига хос тажрибалар тўпланган. Мисол учун, АҚШда танлов фанларини ўқитиш жараёнига профессор унвонига эга бўлган педагоглар жалб этилади. Германия олий таълим тизимида энг фаол ва билимдон педагог кадрлар мажбурий фанларни ўқитишга жалб этилади, бунда илмий даража ёки унвон ҳисобга олинмайди. Шу жиҳатдан мажбурий ва танлов фанларини ўқитишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, олий бошланғич таълим жараёнида мажбурий ва танлов фанларини ўқитишнинг кластер усули амалиётга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида мазкур фанларни кластер усули асосида ўқитишнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Чунки ўқитишнинг кластер усулида асосий эътибор бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-амалий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилади[3].

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziyounet.uz

2. Воҳидов Ў. ECTS: асосий тушунчалар, қоидалар ва тамойиллар. –Тошкент, 2020

3. Мардонов Ш.Қ., Жабборова О.М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион кластер усули. Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман, ТВЧДПИ, 2021. Б. 142-145